

№145-сонли
ОБУНА ҲИСОБ-ШАРТНОМАСИ*

Тошкент шаҳри

“ 20 ” Январь 2022 йил.

Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Обуна уюштирувчи” деб юритилувчи «TOSHKENTDA YANGI XIZMAT» мчж номидан директор С.И.Эргашев бир томондан, ва _____ асосида иш кўрувчи, матнда “Обуначи” деб юритилувчи _____ номидан _____ иккинчи томондан мазкур ҳисоб-шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Мазкур шартнома бўйича “Обуна уюштирувчи” “Обуначи”га куйида номлари кўрсатилган нашрларга обуна уюштириш ва **«Обуначи»нинг шартномада кўрсатилган манзилига** етказиб бериш, “Обуначи” обуна ҳақини олдиндан тўлаш мажбуриятини олади:

Индекс	Нашр номи	I донасининг 11-ойлик нархи ҚҚС билан	Обуна сони	Жами сумма
236	« Янги Ўзбекистон » газетаси	893200	30	26 796 000

Жами : Йигирма олти миллион етти юз тўқсон олти минг сўм.

2. «Обуначи» нашрлар етказиб берилмаган тақдирда, ўз вақтида етказиб берилишини “Обуна уюштирувчи”дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3. «Обуначи» нашрлар учун олдиндан тўловни амалга ошириш, шартномани бир нусхасини “Обуна уюштирувчи”га қайтариш мажбуриятини олади.

4. « Обуна уюштирувчи » нашрлар учун олдиндан ҳақ тўланишини талаб қилиш, “Обуначи” томонидан тўлиқ тўлов амалга оширилмаган тақдирда нашрларни етказиб бермаслик ҳуқуқига эга.

5. «Обуна уюштирувчи» «Обуначи»га нашрларни белгиланган муддатларда етказиб бериш, обуна нашрлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги оқибатида «Обуначи»га етказилган зарарни тўлаб бериш мажбуриятини олади.

6. Шартноманинг умумий баҳоси 26 796 000 сумни ташкил этади.

7. “Обуначи” нашрлар учун 100 фоиз миқдорида “Обуна уюштирувчи”га олдиндан ҳақ тўлайди.

8. Обуна нашрларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Обуна уюштирувчи” “Обуначи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган обуна нашрлари қийматининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

9. Мазкур шартнома имзоланиб худудий ғазначилик бўлимларидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.


10. Сув тошқини, зилзила, табиий офатлар, томонларнинг фаолиятига доир Ҳукуматнинг тақиқловчи қарор, қонун ёки фармойишлари чиқиши, шунингдек, шартнома томонларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган тарзда мажбуриятларини бажара олмасликлари форс-мажор ҳолатлар саналади.

11. Мазкур шартнома бўйича келиб чиқган келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинади. Томонлар ўзаро келишувга эришмасалар, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида Суд тартибида ҳал этилади.

12. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва томонларга бир нусхадан берилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

13. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг кучга киради ва **2022 йил 31 декабрига** қадар амал қилади.

14. **ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:**

“ОБУНА УЮШТИРУВЧИ” «TOSHKENTDA YANGI XIZMAT» МЧЖ	“ОБУНАЧИ”
Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32 уй Банк: ХАТБ “Ориент финанс” Миробод филиали х/р: 20208000305163950001 МФО:01167, СТИР:307023875 ОКОНХ 53100 Телефонлар: 91 453 48 29	Манзиль: TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI 100015, Toshkent sh., Cybek ko'chasi, 45-uy Tel.: 256-37-38, 256-45-04 Банк: STIR: 201 363 967 IFUT: 85420 Ўзбекистон Республикаси Мoliya Vazirligining G'aznachilik boshqarmasi ХКМ Markazi, bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi МФО: И/Р: 2340, СТИР: 3001 0000 1010 ОКОНХ МФО: 00014 СТИР: 201 122 919 Телефонлар: _____ (агар «Бунортмачи» бюджет маблағларидан фойдаланувчи бўлса, қуйдагилар ёзилиши шарт: л/с 400910860262737094100054001 газначилик бўлимининг номи
Раҳбар  С.И.Эргашев	Раҳбар _____ М.У. _____

